



Снѣсат номи: Молиявий ѳрдам/ѳнгимлар снѣсати
Кучга кирган сана: 2018 ѳил, 1 январь
Снѣсат соҳаси: Даромад олиш даври
Охирги тахрир: 2018 ѳил, 1 январь

Ҳолати: Маъқулланган
Кўздан кечириладиган сана: 2019 ѳил, 1 январь
Амал қилиш муддати: Келтирилмаган

Снѣсат баѳнномаси Молиявий ѳрдам дастури бутун Allegheny Health Network (АНН) тармоғи бўйлаб изчил ҳамда тўғри чиқарилган бўлиши зарур. АНН ишлаб чиқилган ички назорат муҳити ва амалдаги тартибга солувчи талабларга мос келадиган молиявий ѳрдам ва ѳнгимларни самарали ва унумли бошқаришни таъминлаш учун жараѳнлар ташкил этилди.

Имзо/ Сана

Баш молиявий директор

Имзо/ Сана

Даромад олиш даври бўйича етакчи ходим

I. Мақсад

Ушбу снѣсатнинг мақсади даромадга мувофиқлик мезонларни, молиявий ѳрдам турини ва ушбу снѣсатга киритилган ва киритилмаган хизматларни аниқлашдан иборат. Снѣсат муайян тартибни белгилаб беради ва бу тартибга кўра бемор баъзида хайрия ѳрдами деб аталувчи молиявий ѳрдам учун ариза беради.

Хайрия фаолияти шахсий масъулиятнинг муқобили ҳисобланмайди. Беморлар хайрия ѳки тўловнинг бошка шакллари ѳхуд молиявий ѳрдамни олишлари учун Allegheny Health Network тармоғи тартиблари билан ҳамкорлик қилишлари кутилади ва уларнинг индивидуал тўлов қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўзларининг парваришлари учун кетадиган харажатларга ҳиссаларини кўшадилар. Саломатлик бўйича суғуртани сотиб олиш учун молиявий имконияти бўлган шахслар, тиббий хизматдан фойдаланишни таъминлаш, уларнинг умумий шахсий саломатлиги ва шахсий мол-мулкини ҳимоя қилиш воситаси сифатида, буни амалга оширишга рағбатлантирилади.

II. Снѣсат

Allegheny Health Network тармоғининг касалхоналари ва шифокорлари беморларимизнинг ҳамда Фарбий Пенсильвания фуқароларининг саломатликларини яхшилашга қарор қилганлар. Вестфилд (Нью Йорк) хизмат ҳудуди учун кўшимча ва алоҳида талаблар Е-иловада келтирилади. Бу Allegheny Health Network тармоғининг барча беморларга, шунингдек, кам даромадлари сабаб хизмат ҳақини тўлашда қийналувчи шахсларга ҳам тиббий хизматни тақлиф қилишдаги снѣсатидир. Раҳмдилликка асосланган, юқори сифатли ва қулай соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш ва кам таъминланган ҳамда фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган шахсларни ҳимоя қилишни кўзлаган ҳолда, Allegheny Health Network тармоғи тиббий хизматга муҳтож бўлган кишиларнинг молиявий имкониятлари уларнинг бундай хизматларни қидириш ѳки улардан фойдаланишга ҳалақит бермаслигини таъминлашга ҳаракат қилади. Allegheny Health Network тармоғи кишиларга, уларнинг молиявий ѳки давлат ѳрдами олиш ҳуқуқларидан қатъи назар, бирор камситишларсиз, шошилинич тиббий ѳрдам хизматини кўрсатади. Allegheny General Hospital шифохонаси, Allegheny Valley Hospital шифохонаси, Canonsburg Hospital шифохонаси, Forbes Hospital шифохонаси, Jefferson Hospital шифохонаси, Saint Vincent Hospital шифохонаси, West Penn Hospital шифохонаси ва Westfield Memorial Hospital шифохонаси шулар жумласидандир. Бу молиявий ѳрдам снѣсати шифохоналар, жумладан, шифохоналардаги фаолияти тиббий хизматга боғлиқ бўлган бошка юридик шахслар (IRS (Ички даромадлар хизмати)да кўрсатилганидек) томонидан кўрсатиладиган шошилинич ва бошка тиббий ѳрдамлар учун амал қилади.

Йўриқнома

Allegheny Health Network тармоғининг молиявий ёрдам ва йиғимлар сиёсати Medicare ва Medicaid хизматлари Medicare ёмон қарзлар талаблари бўйича марказлари (42 CFR SS13.89) ва Medicare хизмати харажатларни қоплаш бўйича қўлланмага (1-қисм, 3-боб) мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган. Шунингдек, бу сиёсат Федерал беморларни ҳимоя қилиш ва тегишли ёрдам тўғрисидаги қонуннинг (Pub.L No. 111-148) 9007(1)-қисмида талаб қилинганидек, Ички даромадлар кодексининг 501© -қисмига, IRS ва Ҳазначилик бўлими томонидан 2014 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган (ва 2014 йилнинг 31 декабрида Федерал қайдномада нашр қилинган) Яқуний қондалар ҳам қўзда тутилади.

III. Изоҳлар

ACA ёки Affordable Care Act (Қулай парваришлаш тўғрисидаги қонун) — ACA саломатлик сугуртасини сотиб олмаган ёки сотиб ололмайдиган жисмоний шахсларга мўлжалланган. Бу шунингдек сугуртаси йўқ ёки юқори сугурта харажатларидан тегишли тарздаги ҳимояни таъминлай олмайдиган тиббий сугуртаси бор шахслар учун ҳам мўлжалланган.

Хайрия ёрдами — АНН баҳолаш мезонларига асосланган дастур бўйича (АНН шифохоналари ва унда ишлаётган шифокорлар томонидан) аниқланадиган беморларга кўрсатиладиган хизматлар учун харажатларнинг тўлиқ ёки қисман қопланиши.

Йиғимлар бўйича тадбирлар- Allegheny Health Network тармоғи томонидан беморларга таклиф қилинадиган тиббий хизматларга ҳақ тўлашда фойдаланилиши мумкин бўлган, Директорлар кенгаши тасдиқлаган тарзда, йиғимлар бўйича учинчи томон агентликлари хизматидан фойдаланиши, шунингдек, ушбу сиёсатга мувофиқ тарзда йиғимлар йиғиши бўйича оқилона ҳаракатлар сифатида баҳоланган ҳуқуқий фаолиятлар йиғиндиси.

Шошилиш тиббий ҳолат — Social Security Act (42 U.S.C. 1395Dd) (Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун)нинг 1867-бандида таъриф берилган. Шошилиш тиббий ҳолат деганда, дарҳол кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг йўқлиги сабабли (i) жисмоний шахснинг (ёки ҳомиладор аёлга нисбатан, у аёлнинг ёки унинг туғилмаган боласининг) саломатлигига жиддий хавф солиши, (ii) организмдаги функцияларга жиддий зарар етказиши ёки (iii) тананинг ҳар қандай аъзоси ёки унинг бир қисмини жиддий шикастлаш ҳолатига сабаб бўлувчи, етарлича тарздаги ўткир белгилари билан намоён бўлувчи тиббий ҳолат (жумладан, қаттиқ оғриқ, психиатрик касалликлар ва/ёки тақиқланган моддаларни истеъмол қилиши белгилари) тушунилади.

Фавқулодда йиғим ҳаракатлари— Ички даромадлар тўғрисидаги кодекснинг 501(r)-қисми талабларида кўрсатишган фавқулодда йиғим ҳаракатлари қуйидагилардир:

- қарзларни бошқа томонларга сотиши, айрим истисно ҳолатлардан ташқари;
- истеъмол кредитлари берувчи агентликлар ёки кредит бюроларига номақбул маълумотлар бериши;
- ҳуқуқий ёки юридик иш очилишини талаб қиладиган, жумладан, бироқ чекланмаган ҳолда, қуйидаги ҳаракатларни қўллаш:
 - гаровни мулк сифатида қўйиши (қуйида истисно ҳолатлар келтирилади)
 - қўчмас мулкка тақиқ қўйиши
 - банк ҳисоби ёки бошқа шахсий мулкка дахл қилиши ёки уни тортиб олиши
 - фуқаролик ҳаракатларини бошлаш
 - фуқароларнинг ҳибсга олинишига сабаб бўлиши
 - жисмоний шахсларни қалмоққа олиши бўйича буйруққа сабаб бўлувчи ҳаракатлар
 - иш ҳақиға тақиқ қўйиши

Оила— АҚШ аҳолини рўйхатга олиши бюроси берган таърифга кўра, бирга яшовчи ва туғиш/туғилиши, никоҳ ёки фарзандликка олиши асосида бир-бирига боғлиқ бўлган икки ёки ундан ортиқ кишилар гуруҳи. Ички даромадлар хизмати қондаларига кўра, агар бемор бирор шахсни даромад солиғи қайтиши борасида ўзига боғлиқ эканлигини даъво қилса, бундай шахс молиявий ёрдам кўрсатилиши мақсадларида ҳам боғлиқ шахс сифатида саналиши мумкин.

Оила даромадларни— Оила даромадлари иш ҳақлари, шисизлик бўйича нафақалар, болалар учун нафақа пуллари, тиббий хизмат кўрсатиши бўйича ҳар қандай ёрдамлар, алимент, ижтимоий таъминот бўйича тўловлар, ногиронлик нафақалари, пенсия ёки ёш бўйича нафақалар, ижара пули ёки ердан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловлар, кўчмас мулк ёки кредитлардан тушадиган даромадлар, суд қарори бўйича олинадиган маблағлар, дивидентлар ва фойзалардан тушадиган тушумларни ўз ичига олади. Қуйидагилар оила даромадларидан чиқариб ташланади; асосий яшаш жойига бўлган субъектив ҳуқуқ, пенсия режаси ҳисоблари ва дафн маросими мақсадлари учун тўланадиган қайтариб берилмайдиган маблағлар ҳамда федерал ёки штат тасарруфидаги коллежларда ўқиш пули учун йиғиладиган омонат режаслари. 18 ёшгача бўлган беморлар учун оила даромадлари ўша беморнинг ота-онаси ва/ёки ўғай ота-оналари ёхуд бу вояга етмаган шахс билан бирга яшовчи ёки яшамайдиган турмуш қурмаган ёки фуқаролик никоҳи асосида яшовчи эр-хотинларнинг оила даромадларини ўз ичига олади.

Қашшоқлик бўйича федерал йўриқномалар— Қашшоқлик бўйича федерал йўриқномалар АҚШ Кодекслар тўпламининг 42-боби, 9902-бўлими (2-)бандига мувофиқ, АҚШ Соғлиқни сақлаш ва кишиларга кўрсатиладиган хизматлар томонидан Федерал қайдномада янгилаб турилади.

Кафил — агар бемор ўз харажатлари ёки қарзларини тўлай олмаса ёки бунга қодир бўлмаса, унинг харажатларини ёки қарзларини тўлашга маъсул бўлган бошқа жисмоний шахс.

Ялпи йнғимлар — Allegheny Health Network тармогининг тўлиқ белгиланган тарифлари ва шартномавий нафақалар тўлангунга қадар бўладиган беморни парваришлаш хизматларига кетадиган ялпи харажатлар, белгиланган тартибда даромаддан олинадиган бошқа ушланмалар ёхуд келишилган чегирмалар.

Тиббий заруратлар — Medicare ва Medicaid хизматлари марказлари томонидан касаллик ёки жараҳатни диагностика қилиш ёхуд даволашда ишлатиладиган, мос равишда хизматлар ёки ашилар сифатида белгиланадиган тиббий зарурий хизматлар йиғиндис.

Жавоб бермайдиган беморлар — АНН тармоғи баъзи беморларнинг АНН тармоғи ариза бериш жараёнига жавоб бермаслигини тан олади. Бундай шароитда АНН тармоғи жисмоний шахсларнинг молиявий ҳолатларини баҳолаш учун бошқа маълумот манбаларидан фойдаланади.

Суғурта қилинмаган бемор — тижорат асосида иш юритувчи учинчи томон суғурталовчиси томонидан учинчи томон суғуртаси, ERISA режаси, Federal Health Care Program (жумладан, бироқ чекловларсиз, Medicare, Medicaid, SCHIP ва CHAMPUS) дастури, ишчиларнинг тоvon пули ёки беморнинг мажбуриятларини қопловчи учинчи томонга эга бўлмаган жисмоний шахслар.

Етарлича суғуртага эга бўлмаган бемор — Allegheny Health Network тармоғи томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун шахсий тўловларни тўлашга тиббий жиҳатдан қийналувчи, шахсий ёки давлат суғуртасига эга бўлган жисмоний шахс.

IV. Тартиблар

Сиёсатни нашр қилиш

Ушбу сиёсатни қуйидаги шаклларда танишнш мумкин бўлади:

- ✓ **Қоғоз нусхалари:** Ушбу сиёсатнинг қоғоз нусхалари, ариза шакли ва бу сиёсатнинг содда тилдаги қискача шакли шифохона биносидаги жамоат жойларида ва почта орқали талабга кўра бепул тақдим этилади.
- ✓ **Ташриф буюрувчиларга ахборот бериш/билдириш:** Ушбу сиёсат шифохоналардаги жамоат жойларида сиёсат ҳақидаги асосий маълумотларни берувчи стандарт белгилар, шакллар ва китобчалар орқали пухта ишланган ҳолда тақдим қилинади.
- ✓ **Муассаса томонидан хизмат кўрсатиладиган жамият аъзоларига ахборот бериш/билдириш:** мазкур сиёсат ҳақида қискача маълумот берувчи варақаларни аҳолининг кам таъминланган қисмининг соғлиқлари бўйича эҳтиёжларини ўрганувчи маҳаллий давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларга тарқатиш йўлга қўйилади.

- ✓ **Веб-сайтда нашр қилиш:** Молиявий ёрдам сиёсати, ариза шакли ва сиёсатнинг содда тилда ёзилган қисқача шакли билан АНН тармоғи веб-сайтида танишиш мумкин.

Йўриқномалар баённомаси

АНН тармоғининг мақсади – тўлашни хохламаган эмас, тўлов қобилияти бўлмаган беморларга керакли хизматларни кўрсатишдир.

IRC §501(r), йўриқномаларига мувофиқ, АНН тармоғи Хайрия ёрдами олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга кўрсатиладиган шошилинч ёки бошқа тиббий парваришлаш хизматлари учун олинган ҳақларни чеклайди. Бундай шахсларнинг тўловлари жисмоний шахсларга суғурта томонидан копланадиган суммага нисбатан умумий тариф бўйича ҳисобланадиган (AGB) миқдордан ошмайди, йўриқномаларда эса ялпи хизмат ҳақларини олиш тақиқланади. Ҳар бир АНН тармоғи муассасаси учун ўз маблағлари ҳисобидан тўланадиган чегирмалар билан D-иловада танишинг.

АНН тармоғи шифохоналари шошилинч ва бошқа тиббий хизматларни аниқлаш учун 2014 йилнинг 31 декабрь кунги 250-сонли Федерал кайдноманинг 79-жилди, 26CFR нинг 1, 53 ва 602-қисмларига мувофиқ, ички аудит услубидан фойдаланади. Молиявий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган суғурталанмаган беморлардан олинган маблағлар шахсий суғурталовчилар, Medicare ва Medicaid томонидан ўртача тўланадиган суғурта маблағларидан ошмаслиги зарур. Молиявий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган беморлар ялпи харажатларни тўламайдилар. Кенг жамоатчилик куйидаги манзилга ёзма сўровнома юбориш орқали бу маълумотни ёзма шаклда бепул олиши мумкин:

Director Customer Care Center
Allegheny Health Network
4th Floor, 4 Allegheny Center
Pittsburgh, PA 15212

Баҳолаш мезонлари

Ушбу сиёсатда белгиланган мезонларга жавоб берувчи беморлар бепул ва чегирмали хизматни ўз ичига олган молиявий ёрдам олиш ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин.

- 1. Бемор Америка Қўшма Штатларининг фуқароси бўлиши ёки Америка Қўшма Штатларида қонуний доимий резиденти ва Пенсильвания штатида доимий яшаши (ёки Westfield Memorial Hospital касалхонасида рўйхатда турувчи Нью Йорк штати резиденти бўлиши) керак.**
- 2. Ариза топшириладиган кунга қадар:**
Хайрия ёрдами Пенсильвания штати (ёки Westfield Memorial Hospital касалхонаси хизмат ҳудуди бўйича Нью Йорк штати) резидентлари учун банд қилинган, чунки Пенсильвания резидентлари штат ва маҳаллий солиқларни тўлайдилар ва бу орқали штат фуқаролари учун қўллаб-қувватлайдилар. Худди шундай, Америка Қўшма Штати фуқаролари федерал солиқларни тўлайдилар. АНН тармоғи АНН хайрия ёрдами учун даъвогарлик қиладиган, ўз молиявий ҳолатларига асосланадиган бошқа штатларнинг резидентлари тиббий хизмат ва хайрия ёрдами бўйича имтиёزلарни ўз штатларида олишларига умид қилади. Чет эллик беморлар ёки доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлмаган иммигрантлар, агар Medicaid учун тегишли ҳуқуққа эга бўлсалар, Хайрия ёрдами учун даъвогарлик қилишлари мумкин. Бошқа штатларнинг резидентлари ва чет эллик беморлар махсус ҳолатлар бўйича (масалан, автомобилдаги бахтсиз ҳодисалар, шошилинч касалликлар) Хайрия ёрдами учун даъвогарлик қилишлари мумкин.
- 3. Бемор/кафил мос тиббий хизмат имтиёзлари муқобиллари (масалан Medicaid учун мос келиш ва бошқа АСА томонидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш имтиёзлари дастурлари) учун ариза бериш ва унинг талабларига риоя қилишнинг ишончли жиҳатларини кўрсата олиши ёки Хайрия**

ёрдами олиш ҳуқуқини қўлга киритишдан аввал Medicaid ёки бошқа дастурлар томонидан бериладиган ёрдамни олмагани ҳақида ҳужжат тақдим қилишлари керак бўлади. Бемор ариза топшириш муддати тугагунга қадар Хайрия ёрдами учун аризани тўлиқ топшириши зарур. АНН тармоғи жисмоний шахсларни фавқулдда йиғим ҳаракатларига (ECAs) жалб қилишдан олдин, бундай шахснинг ташқи ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлаш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширади. Оқилона ҳаракатлар: Бу талабларни қаноатлантириш учун “билдиришнома муддати” ва “ариза топшириш муддати” мавжуд. Билдиришнома муддати дейилганда АНН тармоғи жисмоний шахсни мазкур сиёсат ҳақида билдириши зарур бўлган давомли муддат тушунилади. Мазкур муддат жисмоний шахсга тиббий хизмат кўрсатилган кундан бошланади ва АНН тармоғи жисмоний шахсга бу хизмат учун биринчи тўлов коғози тақдим қилган кундан бошлаб ҳисобланганда, 120-кунни ниҳоясига етади. Агар жисмоний шахс билдиришнома муддати тугагунга қадар ариза топшира олмаса, АНН тармоғи мазкур жисмоний шахсга нисбатан фавқулдда йиғим ҳаракатларини (ECAs) қўллаши мумкин. Шунга қарамай, АНН тармоғи узоқроқ “ариза топшириш муддати” давомида жисмоний шахслар топширган аризаларни қабул қилади ва уни кўриб чиқади, бу давр АНН тармоғи жисмоний шахсга бу хизмат учун биринчи тўлов коғози тақдим қилган кундан бошлаб ҳисобланганда, 240-кунни ниҳоясига етади. Тўлиқ ариза топшира олмаган ёки 240 кундан сўнг қўшимча талаб этиладиган ҳужжатларни ўз ичига олган аризани қайтара олмаган беморларга қондаларга тўлиқ амал қилмаганлари учун рад жавоби берилиши мумкин.

4. Хайрия ёрдами доираси асосий тиббий хизматлар билан чекланади.
5. Хайрия ёрдами фақат шошилиш ва бошқа тиббий зарурий хизматлар учун амал қилади. Вазифаларни бажаришни рад этадиган ва тиббий жиҳатдан кераксиз саналувчи қўшимча харажатларга йўл қўйган беморларга Хайрия ёрдами кўрсатилмайди. Хайрия ёрдами учун чегирмалар фақат стационар ва амбулатория муолажаларида қўлланилган дори воситалари учун амал қилади. Бу чегирмалар бошқа дори воситалари ёки почта орқали буюртма қилинган рецептлар учун амал қилмайди. Хайрия ёрдами судда кўриладиган ишлар, бемор томонидан ҳамкорликнинг йўқлиги ёки беморнинг хато маълумоти сабабли суғурта агенти томонидан қопланадиган хизматлар учун қўлланилмайди.

Шунингдек, беморлар/кафилларга фойдаланиш мумкин бўлган суғурта вариантлари таклиф қилинса-ю, улар фойдаланишдан бош тортсалар, бундан беморлар/кафиллар учун ҳам Хайрия ёрдами қўлланилмайди. Суғурта тўловининг барча маблағларини сарфламаган беморлар/кафиллар учун ҳам Хайрия ёрдами қўлланилмайди (масалан, Medicare умрбод заҳира кунлари).

6. Тасдиқланган ариза беморга кўрсатиладиган тегишли хизматлар муддати 180 кундан бошлаб то кейинги 180 кунгача давом этади ва шу сўнгги муддатгача ариза тасдиқланиши зарур: Беморлар/кафиллар мунтазам Хайрия ёрдами учун ҳар 180 кунда ариза топширишлари зарур. Бу қайта ариза топшириш жараёни тахминий Хайрия ёрдами санасини тасдиқлашни ёки янгиланган ва тўлиқ Хайрия ёрдами аризасини топширишни талаб қилиши мумкин.
7. Хайрия ёрдами чегирмаси фақат беморнинг жавобгарлик суммаси учун амал қилади; масалан, бунда суғурта суммалари ҳисобга олинмайди. Тасдиқланган маблағлар суммаси қуйидагиларнинг натижаси бўлиши мумкин:
 - ✓ Беморнинг Тиббий ёрдами ёки мақбул суғурта суммаси мавжуд эмас
 - ✓ Бемор ўзининг суғурта имтиёзларидан фойдаланиб бўлган (масалан, максимал қопланадиган кунлар/маблағларни сарфлаган, Medicare умрбод заҳира кунларидан фойдаланиб бўлган)
 - ✓ Беморда тўловни амалга ошириб бўлган биринчи суғурта агенти борлигига қарамай, у беморнинг қопланиши кўзда тутилмаган иккиламчи жавобгарлиги ҳам мавжуд бўлганда
 - ✓ Беморнинг молиявий ҳолати билан такқосланганда юзага келган тиббий хизматлар учун қарздорлик миқдори сабабли у бемор йўқсил деб топилганда

- ✓ Вафот этган беморнинг мулккий хукуки у беморнинг тўлик баланси тўлангунга қадар мавжуд бўлади
- ✓ Бемор кўрсатиладиган хизматларнинг қунига таъсир қиладиган расмий банкротлик ҳақидаги қарорни тақдим қилганда Бу қарорни ва даромадлар/мулк ҳақидаги янгиланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, бемор Хайрия ёрдами олиш ҳуқуқига эга бўлади
- ✓ Беморнинг яшаш жойи бўлмаганда ёки уйи йўқлар яшайдиган муассасада истикомат қилиши тасдиқланса
- ✓ Бемор ўзининг даромади/мол мулкига оид ёхуд уйи йўқлиги ҳақидаги расмий нотариус тасдиғидан ўтган ҳужжат тақдим этса ва бу ҳужжат беморни Хайрия ёрдами олиш ҳуқуқини тақдим қилса

Қўллаш тартиблари

1. Хайрия ёрдамини қўллаш

Бемор/кафилнинг Хайрия ёрдам учун мослигини аниқлаш учун Хайрия ёрдами аризаларидан фойдаланиш талаб этилади

Агар бемор ва/ёки кафилнинг даромади Қашшоқлик бўйича федерал йўриқномалар даражасининг 200% миқдоридан ёки ундан паст бўлса, бу беморнинг барча мажбурият баланслари 100% га кечирилади. Беморнинг уйсизлиги ҳақидаги ҳужжати ҳам 100% лик даража сифатида қабул қилинади. Беморнинг жорий ва ўтган йиллар учун жами уй хўжалиги даромадлари ҳажми АҚШ Соғлиқни сақлаш ва кишиларга кўрсатиладиган хизматлар бошқармаси томонидан Федерал қайдномада ҳар йили эълон қилинадиган Қашшоқлик даромадлари йўриқномаларидаги кўрсаткичдан икки баробардан ошиб кетмаслиги зарур (асосан жорий йилдаги маълумотлар ҳисобга олинади). Жорий йўриқномалар ва тегишли FPL-жадвал билан танишиш учун В-иловага қаранг.

Бемор ёки кафилнинг \$10,000.00 дан ортадиган барча ликвидли активлари (нақд пул, чек, омонатлар ва пул бозоридаги ҳисоблари, олиниши мумкин бўлган омонат сертификатлари, жаримасиз нақд пул кўринишида олиш мумкин бўлган биргаликдаги жамғармалар ва қимматли қозғалар ва бошқа осон пулга айланиши мумкин бўлган сармоялар) молиявий ёрдамни белгилаш кўриб чиқилгунга қадар Allegheny Health Network тармоғига қарз мажбурияти сифатида қўлланилиши зарур. Пенсия жамғармалари унинг таркибига киритилмайди. Асосий уй ва асосий транспорт воситаси активларнинг бир қисми сифатида ҳисобланмайди. Ҳар бир алоҳида ҳолатда, ҳар қандай иккинчи уй ёки транспорт воситаси ҳисобга олинади ва баҳоланади.

“Зарарлилик” ҳужжатлари (масалан, ортикча дори дармонлар, тузалмас касалликлар ёки кўп марта шифохонага ётқизиш ҳолатлари ҳужжатлари) талаб қилиниши мумкин. Даромадлари Федерал қашшоқлик йўриқномаларидаги кўрсаткичдан 200% баробар ортик бўлган ва ҳисобидаги маблағлар ўзининг уй хўжалиги даромадларидан 25% ортик бўлган беморлар учун, тақдим қилинган “зарарлилик” ҳужжатларидан ташқари даромадлар ёки маълумотлар базасида кўрсатилмаган манбалардан олинган даромадлар борасида АНН тармоғи ортикча баланс учун ҳужжат талаб қилиши мумкин.

АНН беморнинг молиявий ёрдамини дастлабки тасдиқлаш учун унинг аввалги молиявий ёрдам олиш ҳуқуқини тақдим қилган ҳужжатлардан фойдаланмайди. Беморнинг молиявий ёрдами тугатилгандан сўнг у бемор бошқа молиявий ёрдам учун қайта ариза топшириши зарур.

2. Керакли ҳужжатлар

Ариза топшириш жараёни учун даромадлар ва активлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган шакллар талаб қилинади.

- ✓ 1040 Федерал даромад солиқ шакли ёки ўтган йилги солиқ ҳисоботлари қўлланилган бошқа Федерал шакл(лар) (даромадлардаги кескин ўзгаришларни тушунтирган ҳолда)

- ✓ Тўлов квитанциялари нусхалари (сўнгги 30 кун учун)
- ✓ Ариза топшириш жараёнининг бир бўлаги сифатида ҳар қандай бошқа олинган даромадларнинг (масалан, алимент, болалар учун нафақа пуллари, ногиронлик нафақалари, пенсиялар, ижарадан тушадиган даромадлар, ёлланма ишчи даромадлари тасдиқномаси (ўтган ой учун фойда ва зарарлар баённомаси), ижтимоий таъминот, ишсизлик бўйича нафақа, фахрийлар учун имтиёз ва тўловлар, ишчининг бадал пули) ёзма тасдиқномаси сўралиши мумкин.
- ✓ Талаб қилинган тарзда, банк маълумотномалари (Молиявий ёрдам аризаси топширилгунга қадар бўлган яқин ойлар учун)
- ✓ Хизмат кунларига таъсир қилувчи банкротлик ҳақидаги эслатма бемор/кафилнинг Хайрия ёрдами олиншга даъвогарлик қилишида даромадлар/активлар ҳақида қўшимча маълумот сифатида ҳисобга олинадди. Бемор/кафилнинг Хайрия ёрдами олиншга даъвогарлик қилишда унинг даромадлари/активлари ҳақидаги маълумотларига ёрдам берувчи расмий нотариус тасдиғидан ўтган ҳужжат
- ✓ Беморнинг яшаш жойи йўқлиги ёки уйи йўқлар яшайдиган муассасада истикомат қилиши ҳақидаги тасдиқнома

3. Ариза ҳақида маълумот

Молиявий ёрдам учун ариза топширишда барча даъвогарлар АНН тармоғи Молиявий ёрдам сўраш учун аризани тўлдиришлари ва бошқа сўралган ҳужжатларни тақдим қилишлари зарур. Молиявий ёрдам берилиши масаласи кўриб чиқилиши учун даъвогарларнинг тўлдирилган аризаларни Allegheny Health Network тармоғи томонидан тиббий хизмат кўрсатилаётган кундан бошлаб 240 кун давомида қабул қилиниши лозим.

Ҳужжатлар кўриб чиқилиши учун аввал Allegheny Health Network тармоғининг молиявий ёрдам сўраш учун ариза тўлдирилган бўлиши ва тегишли ҳужжатлар тақдим қилинган бўлиши зарур. Қўшимча маълумот сўраб қайтариб берилган ҳар қандай ариза бундай маълумотни сўраб аризачига почтадан юборилган хат ёзилган санадан бошлаб 30 кун давомида ушлаб турилади. Зарур бўлган қўшимча маълумот ҳақида билдириш учун аризачига телефон кўнғироғи ҳам қилинади. Агар сўралган маълумот 30 кун ичида тақдим қилинмаса, бу ариза рад қилинади.

Молиявий ёрдам сўраш учун ариза қуйидаги офисларга топширилади ва бу офислар жисмоний шахсларнинг молиявий ёрдам олиш учун мос ёки йўқлигини аниқлашда оқилона ҳаракатлар қилиш учун масъул саналадилар.

Allegheny Health Network Revenue Cycle Operations
Customer Care Center
10th Floor, 4 Allegheny Center
Pittsburgh, PA 15212

Молиявий ёрдам сўраш учун аризани тўлдиришда ёрдам керак бўлган беморлар 1-800-547-0540 телефон рақами орқали АНН тармоғи Мижозлар билан ишлаш бўлимига ёки 1-844-801-8400 телефони орқали Мижозлар билан ишлаш марказига мурожаат қилишлари мумкин.

Молиявий ёрдам учун сўровномалар тезкор кўриб чиқилиши зарур ва Allegheny Health Network тармоғи бемор ёки аризачига тўлиқ аризани қабул қилганлиги тўғрисида 14 кун ичида ёзма равишда билдириши лозим. Агар молиявий ёрдам олиш ҳуқуқи тасдиқланса, бу молиявий ёрдам олти ой муддат учун амал қилади. Молиявий ёрдам, шунингдек, ариза топширилгунга қадар олти ойгача бўлган хизматларга оид барча тегишли ҳисобларга ҳам қўлланилади.

Агар молиявий ёрдам сўраш аризаси рад қилинган бўлса, бемор ёки беморнинг кафили даромадларда моддий ўзгариш бўлган исталган пайтда ёки ариза рад қилинган кундан бошлаб олти ой муддат ўтганидан сўнг қайта ариза топшириши мумкин.

4. Жавоб бермайдиган беморлар ёки кафилларнинг молиявий эҳтиёжларини аниқлаш
Айрим беморлар молиявий ёрдам сўраш учун аризани тўлдирма олмасликлари, ҳужжатларга бўлган талабларга риоя қилмасликлари ёки бошқача тарзда ариза жараёнига жавоб бермасликларини АНН тармоғи яхши тушунади. Оқибатда беморнинг молиявий ёрдам олишга бўлган даъвоси расмий ёрдам сўраш аризасини тўлдирмай ўрнатилиш ҳолатлари юзага келиши мумкин. Бундай шароитда, АНН тармоғи шифохоналари жисмоний шахснинг молиявий эҳтиёжини баҳолаш учун маълумотларнинг бошқа манбаларидан фойдаланиши мумкин. Бундай маълумотлар АНН тармоғига бемор томонидан тақдим этилмаган ахборот бўлмаганда, мавжуд бўлган энг яхши баҳолашлардан фойдаланган ҳолда жавоб бермайдиган беморларнинг молиявий эҳтиёжлари тўғрисида маълумот олиш имконини беради.

Молиявий эҳтиёжни баҳолаш учун бемор ҳақидаги маълумотларни электрон тарзда кўриб чиқишда АНН тармоғи учинчи томонлардан фойдаланади. Бу баҳолаш жараёнида оммавий қайдларнинг маълумотлар базасига асосланган, соғлиқни сақлаш соҳасида тан олинган модель қўлланилади. Мазкур прогнозлаш модели даромадлар, активлар ва ликвидликни баҳолаш мезонларини ўз ичига олувчи ижтимоий-иқтисодий ва молиявий салоҳият баллини ҳисоблашда оммавий қайд қилинган маълумотлардан фойдаланади. Бу электрон технология ҳар бир беморни бир хил стандартларга мувофиқ баҳолаш учун мўлжалланган ва анъанавий ариза бериш жараёни асосида АНН тармоғи молиявий ёрдам учун аввал берилган тасдиқномаларни мезон қилиб олади.

Мувофиқлик ва тўловга онд бошқа барча манбалардан фойдаланиб бўлгандан сўнг, қарздорлик ҳолати тасдиқланишидан олдин мазкур электрон технология қўлланилади. Бу АНН тармоғига ҳар қандай факулдда йиғим ҳароакатларига қадар молиявий ёрдам сўраган барча сугуртаси йўқ беморларни аниқлаш имконини беради. Мазкур мувофиқлик бўйича электрон баҳолаш тизимидан қайтарилган маълумотлар ушбу сиёсат асосида молиявий эҳтиёжларнинг тегишли ҳужжатларига асосан кўриб чиқилади.

Электрон рўйхатга олиш прогнозлаш асосидаги мосликни аниқлашда асос қилиб олинган шароитда бепул ёрдам учун энг юқори чегирмалар фақат олдин кўрсатилган хизмат кунлари учун мос хизматларга қўлланилади. Бемор электрон рўйхатга олиш жараёнидан ўтолмаган тақдирда ҳам, унинг аризаси молиявий ёрдам сўраш аризаси анъанавий усулда кўриб чиқилади. Бу жараёндан ўта олмаган беморларга АНН тармоғи молиявий ёрдамнинг қандай шароитда берилиши ҳақида бу беморга ёзма эслатма тақдим қилади. Унда молиявий ёрдам сиёсати қисқача тарзда баён қилинади ва ариза берилмаган ёки тўланиши лозим бўлган қарзлар мавжуд бўлган шароитда қилиниши керак бўлган ишлар кўрсатиб ўтилади.

Прогнозлаш асосида мос деб топилган беморларнинг ҳисоблари молиявий ёрдам сиёсати асосида қайта таснифланади. Улар йиғим учун жўнатилмайди, кейинги йиғим тадбирларида ҳам улар дахлсиз бўлади ва шифохонанинг ёмон қарзлар бўйича харажатлар рўйхатига киритилмайди.

5. Аризаларни кўриб чиқиш ва Хайрияни бошқариш

Тасдиқланган маблағларнинг Хайрия ёрдами чегирмалари учун сўровлари ҳисобдан чиқаришни тасдиқлаш учун тегишли бошқарув бўлимларига топширилиши зарур. Хайрия ёрдами дастури асосида молиявий ёрдам бериш тасдиқлангани ёки рад қилингани ҳақида ёзма тарзда беморга/кафилга билдиришнома берилади.

Агар ариза берувчилар катта ёшдаги ходимлар бўлса ёки улар аризани кўриб чиқиш ва тасдиқлашда масъул бўлган ходимларнинг қариндошлари ва/ёки дўстлари бўлса, АНН тармоғи манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ва манфаатлар зиддияти юзага келмаслигини юқори даражада таъминлаш мақсадида, ходимлар ва бошқарув ҳайъати ўзларининг бевосита раҳбарлари (бир поғона юқори бошқарув даражаси) билан фаол ҳаракат қилади. Бундай вазиятларда аризалар бошқа бошқарув тузилмалари, зарурат туғилганда эса, вице президент даражасидаги шахслар томонидан кўриб чиқилиши кўзда тутилади.

Хайрия ёрдами чегирмалари миқдорини кузатиб бориш учун алоҳида транзакция кодларидан фойдаланилади.

Охрига етказилмаган молиявий ёрдам сўраш учун аризалар бу аризани кўриб чиқиш жараёнини тезлатиш мақсадида Назоратчи ёки бошқа ваколатли шахс томонидан телефон орқали ёки сўров хатлари орқали назорат қилинади. Ариза кўриб чиқиб, тасдиқлангандан сўнг бу ҳақда хат юборилади.

Масъулиятлар

Молиявий ёрдам дастури Хайрия ёрдами сиёсати асосида молиялаштирилмаган аризалар ва унга қўшимча қилинадиган ҳужжатлар тўплами Мижозлар билан ишлаш маркази бошқармаси ёки шунга ваколатли ходимга кўриб чиқиши/тасдиқлаши учун топширилади. Молиявий тузатишлар куйидаги миқдордан ошиб кетган ёки мураккаблиги сабаб алоҳида ёндашувни талаб қиладиган ҳолатлар куйидаги тарзда кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

Хайрия ёрдами бошқармаси тасдиқномалари

Ўзи тўлайдиган вакил	\$0 - \$20,000
Ўзи тўлайдиган	\$20,001 - \$50,000
Директор	\$50,001 - \$75,000
Вице президент, Бош вице президент, Даромадлар бўйича	\$75,001 - \$150,000
	> \$150,001

6. Хайрия ёрдами бошқармаси ҳисоботлари

АНН тармоғи хайрия ёрдами бўйича ҳисоботлар ва ҳужжатлар мунтазам тарзда расмийлаштириб борилади.

- ✓ Тегишли сиёсат ва тартибларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида, Хайрия ёрдами жараёнлари ҳар йили таҳлил қилинади. Шунингдек, бу йиллик таҳлил давомида сиёсат ва тартибларини янгилаш ва ўзгартиришлар киритишга оид таклифлар бериш имкони мавжуд.
- ✓ Мижозлар билан ишлаш маркази бошқармасидан ҳужжатларни тўплаш ва хайрия ёрдами бўйича куйидаги маълумотларни ошкор қилиш талаб этилади:
 - Хизмат кўрсатилган кишиларнинг умумий сони
 - Кечирилган жами харажатлар
 - Хайрия ёрдамининг жами қиймати
 - Хайрия ёрдами билан таъминлаш харажатларини қўллаб-қувватлаш учун олинган умумий маблағлар ҳажми

Тўловлар ва йиғимлар сиёсати

Allegheny Health Network тармоғининг тўловлар ва йиғимлар сиёсати соғлиқни сақлаш соҳасидаги тўловлар ва йиғимлар сиёсати бўйича федерал ва штат доирасидаги меъёрий ҳужжатларга мос келиши зарур.

Дастлабки тўлов қоғози берилган кундан бошлаб 120 кун ичида ва беморга молиявий ёрдам берилиш ҳуқуқи берилишини аниқлаш бўйича дастлабки оқилона ҳаракатларни амалга оширмай туриб, ҳеч қайси беморга фавқулодда йиғим ҳаракатлари (ECAs) қўлланилмайди. Оқилона ҳаракатлар: куйидагиларни ўз ичига олиши мумкин, бироқ бу билан чегараланмайди:

- ✓ Тўлов қилинмаган барча баённомалар бўйича беморнинг қарздорлигини борлиги ва учинчи томон тўловларининг барча манбаларини аниқланганини ва Allegheny Health Network тармоғи томонидан тўлов қоғози юборилганини тасдиқлаш;
- ✓ Бемор Allegheny Health Network тармоғининг молиявий ёрдам сиёсати билан танштирилмай туриб ва унга ариза топшириш имкони бўлмаётган туриб, сугурталанмаган (ёки етарли даражада сугуртага эга бўлмаган) беморга нисбатан йиғим ҳаракатларига таққис қўйиш;

- ✓ Молиявий ёрдамни аниқлаш учун керакли бўлган ҳар қандай қўшимча маълумот ёки топширилиши керак бўлган ҳужжатлар тўғрисида беморга ёзма равишда билдириш;
- ✓ Бемор Medicaid ёки бошқа давлат томонидан қопланган соғлиқни сақлаш бўйича дастурлар асосида саломатликни молиялаштириш бўйича ариза топширганини тасдиқлаш ва бу ариза топшириш ҳақидаги ҳужжатни олиш. Саломатликни молиялаштириш бўйича бундай ариза кўриб чиқиладиган муддат давомида Allegheny Health Network тармоғи йиғимлар бўйича ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмайди, бироқ бундай молиялаштириш аниқлангандан сўнг одатий йиғимлар бўйича ҳаракатлар амал қилади.
- ✓ Allegheny Health Network тармоғи йўлга қўйиши мумкин бўлган фавқулодда йиғим ҳаракатлари тўғрисида беморга ёзма эслатма юбориш ёки бемор молиявий ёрдам сўраш учун аризани тўлиқ топширмаган бўлса ёки ёзма эслатма юборилгандан 30 кундан сўнг ҳам тўлов амалга оширилмаган ёхуд молиявий ёрдам учун аризани тўлдириш учун беморга белгиланган муддатдан 30 кун кейин бу ариза тўлдирилмаган бўлса, бу ҳақда қисқача хабарнома юбориш.
- ✓ Қўшимча тарзда, биринчи тўлов қоғози берилган вақтдан 120 кун кейин, навбатдаги 120 кун давомида АНН тармоғи ЕСА ҳаракатларини амалга ошириши мумкин, АНН тармоғи бемордан FAP аризасини қабул қилади ва уни кўриб чиқади ва бемор FAP учун мос деб аниқлангунга қадар ЕСА ҳаракатлари ушбу муддат давомида тўхтатиб турилади. Мос равишда, АНН тармоғи FAP аризаларини қабул қилиб, ишлов берадиган жами муддат биринчи тўлов қоғози берилган кундан бошлаб ҳисоблаганда 240 кунни ташкил этади.

Шошилиш тиббий ҳолатлар учун ёрдамлар борасида Allegheny Health Network тармоғининг сиёсати хизматлар кўрсатилгунга қадар ёки шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишига ҳалақит берувчи йиғим ҳаракатларига руҳсат беришдан олдин тўловлар қилинишига йўл қўймайди. Бунга асос – Allegheny Health Network тармоғининг Шошилиш тиббий муолажа ва меҳнат фаолияти сиёсати (сиёсатнинг статистик ID рақами - 2538428).

Allegheny Health Network тармоғи молиявий ёрдам олиш ҳуқуқи бўлмаган беморлар ёхуд қолдиқ маблағларни тўлашда нотақвоб ҳамкорлик қилаётган беморлар учун меъёрий йиғим ҳаракатларини қўллаши мумкин.

Allegheny Health Network тармоғи ваколатли ходимнинг ёзма тасдиқномасиз ҳеч бир йиғимлар бўйича агентлик, юридик фирма ёки жисмоний шахс беморнинг Allegheny Health Network тармоғи тўловини амалга оширмаганлиги учун унинг ишини судга бера олмайди.

Йиғимлар бўйича маълумот

Беморнинг молиявий харажатларини қисқартириш учун Allegheny Health Network доимий равишда учинчи томонлар тарафидан харажатларнинг қопланишига имкон қадар ҳаракат қилади. Кўрсатиладиган хизматлар учинчи томонлар тарафидан харажатларнинг қопланиши доирасига кирмаса ёки учинчи томонлар харажатларни қопламайдиган бўлса, Allegheny Health Network тармоғи бемордан кўрсатилган хизмат учун ҳақ олади, ариза топшириш жараёнида беморга молиявий ёрдам кўрсатилиши ёки беморнинг бундай ҳуқуққа лойиқ деб топилиши ҳолатлари бундан мустасно.

Йиғимлар бўйича тартиблар давом этиши баробарида беморнинг ўзи тўлаши керак бўлган тўловлар тўланмай келтириладиган бўлса, Даромад олиш даври бўйича идора белгиланган сиёсат ва тартибларга мувофиқ тўловни тайинлайди ёки қарздорлик бўйича ёмон мақом берилишини тавсия қилади.

Тўлов режалари

Allegheny Health Network тармоғи хизматлари тасдиқлангандан сўнг тўлов режаларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу тўлов режалари шу соҳадаги стандартларга нисбатан оқилона тузиб чиқилган.

Банкротлик

Бемор банкрот деб эълн қилинган ҳолатда, Allegheny Health Network тармоғи бундай талабнинг тасдиқномасини олган захоти шу банкротлик эълон қилинган кунга қадар ва шу кунни кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган, лекин тўланмаган тўловлар учун йиғимлар бўйича ҳаракатлар тўхтатилади.

Меъёрий талаблар

Allegheny Health Network тармоғи мазкур сиёсат асосида амалга ошириладиган фаолиятлар учун қўлланиладиган барча федерал, штат ва маҳаллий қонунлар, қондалар, тартиблар ва ҳисобот талабларига амал қилиши лозим. Ҳисоботларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида, мазкур сиёсатда Allegheny Health Network тармоғининг барча йиғимлари ва кўрсатган молиявий ёрдамларини назорат қилиши кўзда тутилади.

Бухгалтерия ҳисоби

Тегишли назоратни таъминлаш ва барча ички ҳамда ташқи талабларга жавоб бериш учун Allegheny Health Network тармоғи барча йиғимлар бўйича ҳаракатлар ва молиявий ёрдамларни ҳужжатлаштириши зарур.

Сиёсатни тасдиқлаш

Allegheny Health Network тармоғининг Молиявий ёрдам ва йиғимлар бўйича сиёсати вақт-вақти билан текшириб турилади ва бизнес эҳтиёжлари талабларига кўра исалган пайтда унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Allegheny Health Network тармоғи директорлар кенгаши ва тегишли АНН шифоҳона кенгашлари ушбу сиёсатга киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришларни тасдиқлашлари шарт

А ИЛОВА Молиявий ёрдам сиёсати билан қопланмайдиган хизматларни танланг

Номлавини	Дастурга		Хизматлар номи ва ҳисоблар
	мақбуллиқ Узи тўлайдиган тўловларга чегирмалар	Хайрия ёрдами	
Грант асосидаги ҳисоблар	Йук	Йук	<ul style="list-style-type: none"> • Addison Gibson дастури • Ryan White дастури • Грантлар/жамғармалар томонидан молиялаштирилмайдиган бошқа хизматлар
Айрим хизматлар, баҳоси юқори бўлган муолажалар; бошқа паст баҳоли муолажалар, муқобил муолажа вариантлари	Ҳа	Йук	<ul style="list-style-type: none"> • Кохлеар имплантантлар • Барнатрик (вазини камайтириш бўйича) жаррохлик • Зичлиги паст липопротеин аферези • Бош миёга чуқур таъсир кўрсатиш • Вазэктомия/тескари вазэктомия • Тана аъзоларини кўчириб ўтказиш (трансплантация) • Чап коринчага ёрдамлашувчи қурилма (каранг трансплантация) • Педиатрик эшитиш ускуналари • Тиббий зарур ҳисобланмайдиган бошқа ҳар қандай муолажа.
Тиббий жихатдан зарур ҳисобланмайдиган муолажалар	Йук	Йук	<ul style="list-style-type: none"> • Косметик жаррохлик/муолажалар • Сунъий уруғлантириш • Тиббий зарур бўлмаган акушерлик ультратовуш текширувлари, виртуал колоноскопия ва танани тўлиқ МРТ/ПЭТ қилдириш